

Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман

09:05 / 14.06.2018 7853

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Аллоҳ таоло: **«Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман.***
Қаерда Мени эсласа, у билан биргадирман. Аллоҳ таоло
бандасининг тавбасидан, сизлардан бирингиз саҳрода туясини
йўқотиб, кейин топиб олганидаги хурсандчилигидан ҳам кўпроқ
шод бўлади. Ким Менга бир қарич яқин бўлса, Мен унга бир зироъ
яқин бўламан. Ким Менга бир зироъ яқин бўлса, Мен унга бир қулоч
яқин бўламан. Ким Менга юриб келса, Мен унга чопиб бораман»,
деди»

Муттафақун алайҳ.

* Зироъ – қадимги узунлик ўлчовларидан бўлиб, ўрта бўйли одамнинг тирсагидан бармоқ учигача бўлган ораликқа қиёсан олинган. Зироъ бугунги ўлчовда 46,2 смга тўғри келади.

* Шориҳлар «гумонидаман» деган сўзни шундай изоҳлашган: «Бандам Мен ҳақимда яхши гумонда бўлиб, мағфиратимдан умидвор бўлса, кечираман. Раҳматимдан ноумид бўлиб, гуноҳга ботса, мени иқоб қилади, деб Мен ҳақимда бадгумон бўлса, жазолайман», деган маънода тушуниш мумкин. Умидвор бўлиш мусулмонга хос, ноумид бўлиш эса кофирга хос амалдир».

Изоҳ: Ушбу ҳадиси қудсий Аллоҳ таолонинг бандаларга нисбатан лутфу марҳамати ва илтифотининг намойишидир. Ҳадиси шарифдаги яқинлашиш ва ҳаракатланиш маънолари мажозий бўлиб, масофани эмас, маънавий муносабатни, маънан яқин бўлишни билдиради.